

**ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА №66**

Пайарик тумани

«2» «ноябрь» 2022 йил

ТЕХ СТРОЙ СЕРВИС КУРГАН МСНУ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг устав асосида иш юритувчи Р Аширов номидан, бир томондан Пайарик туман Ободонлаштириш бошкармаси кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг устав асосида иш юритувчи Ш Хандамов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га ҳужжатларга илмий техник ишлов бериш ва саклаш учун хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Микдор	Нархи	Суммаси	ҚҚС 15%	Жами сумма
1	Gruzovoy avtomobil ISUSU HQR 71 PL метан газ болон урнатиш	дона	2	20 000 000	34 782 608,70	5 217 391,30	40 000 000
2	Damas ВАН метан газ болон урнатиш	дона	1	5 950 000	5 173 913,05	776 086,95	5 950 000
3	ISUZU FVR 33G(VADOVOZ) метан газ болон урнатиш	дона	1	57 700 000	50 173 913,05	7 526 086,95	57 700 000
4	ISUZU AVTOBUS YOLOVCHI TASHUVCHI метан газ болон урнатиш	дона	1	24 200 000	21 043 478,27	3 156 521,73	24 200 000
5	NEKSIYA 2 Автошинасига метан газ болон урнатиш	дона	1	4 750 000	4 130,434,79	619 565,21	4 750 000
	Жами				115 304 347,83	17 295 652,17	132 600 000

1.3.Шартноманинг умумий суммаси 132 600 000 (Бир юз уттиз икки миллион олти юз минг) сўм деб белгиланди.

**2. ТОМОНЛАРНИНГ
ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
 - зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
 - "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартафак этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайрилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;
- 2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
- 2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг ҳақ тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомасига мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;
- 2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш.

**3. ШАРТНОМАНИНГ
БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 132 600 000 сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи микдорда 2022 йилнинг олдиндан ҳақ тўлайди ва кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин тўловни амалга оширади.
- 3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камда 1 кун олдин хабардор қилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммалар ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Ҳизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.
- 5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.
- 5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда урғадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага қўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.
- 7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

7.3 Ушбу шартнома 2022 йил «2» Ноябр дан 2022 йил «31» декабргача 2-нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Пайариқ тумани газначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

8. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

- 8.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яни улар, уларнинг ходимлари, кафилиланган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.
- 8.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик қиритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш кунини мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.
- 8.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.
- 8.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида қўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
- 9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар(қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Бажарувчи	TEX STROY SERVIS KURGAN MCHJ
Манзил	Каттакургон шаҳри
Тел/факс	90-476-89-49
х/в	20208000105191773001
Банк номи	Транс банк Самарканд шаҳар филиали
МФӨ	01097
СТИР	306 838193
ИФУТ	61110
Рахбар	<i>Р Аширов</i>



«Буюртмачи»:	Пайарик туман Ободонлаштириш бошқармаси
Манзил:	Пайарик шаҳри Ж Мангуберди кучаси
ш/х:	401022860182247065200110001
ИФУТ	90211
СТИР:	200760728
Газначилик бўлинмаси номи	Пайарик туман буйича Газначилик бўлинмаси
Газна х/в	23402000300100001010
Банкнинг номи	Марказий банк Тошкент Шаҳар ХККМ
МФО:	00014
Газначилик СТИР и	201122919
Рахбар	<i>Ш Хандамов</i>



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

RF3663273356

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **HAQ EVAZIGA XIZMAT KO'RSATISH SHARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Payariq obodonlashtirish bo'limi tomonidan 02.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Payariq tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



S.R.USAROV

02.11.2022

BAJONCHILIK QILINMAYDIGINI TA'KIYOT

YURIDIK MARKAZI

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Пайарик туман Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи



Ш. Хандамов

Пайарик туман Ободонлаштириш бошқармаси техникаларига метан газ
балон урнатиш хизмати ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича
комиссия йиғилиши
БАЁНИ

Пайарик шаҳри

« 31 » октябрь 2022 й.

Раислик қилувчи

Ю Расулов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Х Янгибоев

Комиссия аъзоси, Хужалик мудир

Б Алламурастов

Комиссия аъзоси, механик

У Мамаюсупов

Комиссия аъзоси, булим бошлиғи

Ш Холиков

Комиссия аъзоси, бўлим бошлиғи

Ш Маматов

Котиб

КУН ТАРТИБИ:

Пайарик туман хокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси
техникаларига метан газ балон урнатиш хизмати бўйича

(У Мамаюсупов, Ш Холиков, Ю Расулов, Х Янгибоев, Ш Маматов, Б Алламурастов)

Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022-йил 11-октябрда
Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон
порталига Ободонлаштириш бошқармаси техникаларига метан газ балон
урнатиш хизмати бўйича

№ 161536-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича
2022- йил 26- октябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш
бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали
шакланган Ободонлаштириш бошқармасига техникаларига метан газ балон
урнатиш хизмати бўйича баённомага асосан эълон якунига кўра Комиссия
аъзолари томонидан **ТЕХ СТРОУ СЕРВИС КУРГАН МСН** корхонаси қолиб деб
топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ободонлаштириш бошқармаси бош бухгалтери О.Курбоновга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022-йил 26-октябрдаги электрон баённомасига асосан ғолиб ТEХ SТRОУ SЕRVIS KURGAN MСNЈ корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Бош муҳандис Ю Расуловга қурилишни сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия раиси

Ю Расулов



Комиссия аъзолари


У Мамаюсупов



Б Алламуротов



Х Янгибоев



Ш Холиков

